

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САДУЛЛАЕВ САНЖАР НОРҚУЛ ЎҒЛИ

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Садуллаев Санжар Норкул ўғли

Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари3

Садуллаев Санжар Норкул угли

Пути повышения эффективности использования земель в дехканских хозяйствах.....25

Sadullaev Sanjar Norkul ugli

Ways to improve the efficiency of land use in peasant farms47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САДУЛЛАЕВ САНЖАР НОРҚУЛ ЎҒЛИ

**ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Iqt4642 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нарбаев Шарофиддин Кенгашович, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Султанов Баходир Файзуллаевич, иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим Рахмонов Шерзод Қосимжонович, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “__” _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.Ф.Султанов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий
ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб худудларида сув танқислигининг юз бериши, аҳоли сонининг сезиларли даражада ортиши, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг саноат объектлари билан банд қилиниши, иқлим ва геосиёсий инқирозларнинг кучайиши аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан ҳажм жиҳатдан таъминлаш имкониятини чекламоқда. Шунингдек, дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ерларининг нотекис тақсимланганлиги, антропоген омиллар таъсирида ердан самарасиз фойдаланиш ўз навбатида экин майдонларининг турли тоифада деградацияга учрашига олиб келмоқда. Шу боис, БМТ Генерал ассамблеяси томонидан 2021-2023 йилларни “Экотизимни тиклаш ўн йиллиги” сифатида эълон қилинган. Зеро, мутахассисларни ҳисоб-китобига кўра, “ ... 2040 йилга бориб ҳайдаладиган ерларнинг деградацияга учраши ҳисобига озик-овқат етиштириш ҳосилдорлиги 12 фоизга камайиши, озик-овқат маҳсулотлари баҳосининг 30 фоизга ортишига олиб келиши мумкин”¹лиги прогноз қилинмоқда. Ривожланган давлатларда ушбу муаммо соҳани ривожлантиришда илмий ёндашув ва ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ҳисобига ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ердан самарали фойдаланиш йўналиши доирасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми, тармоқ самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш, экологик муаммоларни ҳал этиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, улардан инновацион технологиялар, хусусан GAT технологиялари орқали ер майдонларининг мониторингини юритиш, сув ресурсларининг оқилона тақсимотини ҳал этиш, агротехник тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида улардан тежамкор ва самарали фойдаланиш, ушбу тадбирларни амалиётга жорий этиш ҳисобига меҳнат унимдорлигини ошириш, тармоқ фаолиятини рақамлаштириш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ушбу ислоҳотлар натижасида деҳқон хўжаликларининг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги салмоғи юқори даражада (63%, 2023 й.) сақланиб қолмоқда. Аммо, ушбу хўжаликларга зарур моддий-техник ресурсларнинг етишмаслиги, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш тизимининг мавжуд эмаслиги, хусусан, сифатли уруғликлар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотни тайёрлаш, сотиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда ердан фойдаланиш мониторингини яхши йўлга қўйилмаганлиги хўжаликлар фаолиятини барқарор ривожлантириш

¹ Мустафаева Р., Гамбарова Р., Аббасова Е. Анализ эффективности использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве Азербайджана. <https://1economic.ru/lib/120579>

имкониятини чекламоқда. Шунинг учун ҳам республикамизда сўнги йилларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, яъни уларни субсидиялаш, илмий тадқиқотларни “Томорқабай усулда” ташкил этиш, тайёр илмий натижаларни деҳқон хўжаликлари кесимида жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2024 йил 5 мартдаги ПҚ-115-сон “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 февралдаги 62-сон “Аҳолига деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун ижара ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар ривожлантиришининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда оилавий асосдаги қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналиши боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга Ю.Агирбов, В.Кузнецов, А.Чаянов, Е.Лысенко² каби МДХ мамлакатларининг кўплаб олимлари катта ҳисса қўшганлар.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари С.Усмонов, А.Мўминов, П.Алимов³ ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, эътирофга молик илмий натижалар олинган. Кейинги даврларда эса ушбу йўналишда Р.Хусанов, Қ.А.Чариев, Н.Хушматов, Ш.Нарбаев, М.Қосимов, А.Абдусаматов, У.Ахмедов, Г.Самиева, Ш.Азизов⁴

² Агирбов Ю., Ринчинова Д. ЛПХ в многоукладной экономике //Международный сельско-хозяйственный журнал. 2002. №2. 32-33 с.; Чаянов А.В. Избранные произведения. /составит. Серова Е.В.-М., 1989.; Кузнецов В.В. Личные подсобные хозяйства: тенденции развития и перспективы их кооперации//Сельское хозяйство в экономике юга России-Ростов н/Д, 1997. – с. 46-56.; Е.Лысенко. Социально-экономическое значение подсобных хозяйств. //Экономика сельскохозяйств России. № 12., 2004., 21 с.

³ Усмонов С., Мўминов А., Алимов П. Томорқа хўжалигини ривожлантириш йўллари. – Т., 1990, 25 б.

⁴ Хусанов Р.Х., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юритишининг илмий ва амалий асослари. – Т.: “Чўлпон”, 2000; Чариев Қ.А. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кооперация жараёнига жалб қилиш.// Агроиқтисодиёт,

ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқ этилган. Шу билан бирга, таркибий ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги учун ер ажратиш тизимининг рақамлашиши, аукцион механизмини жорий этилиши, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий, иқтисодий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиб бориши, кичик хўжаликларда ердан фойдаланишнинг самарали усуллари жорий этилаётганлиги боис, ечилиши лозим бўлган янги ташкилий-иқтисодий масалалар юзага келмоқда. Хусусан, деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқ унумдорлигини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга мунтазам равишда жорий қилиб бориш зарурати ортиб бормоқда. Мазкур масалалар ечимларига қаратилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

деҳқон хўжаликларини ривожланиш босқичлари ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамиятли жиҳатларини илмий асослаш;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини иқтисодий баҳолашдаги мавжуд услубий ёндашувларни тадқиқ этиш;

деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш ва уларни республикамиз иқтисодиётига жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашдаги деҳқон хўжаликларининг ўрнига баҳо бериш ва улар фаолиятини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишни давлат томонидан рағбатлантириш йўллари юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

деҳқон хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкилий рағбатлантириш йўллари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

2017. №1. – б. 22-30; Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. и.ф.н... дисс. авт. – Т.:1994. – 22 б.; Нарбаев Ш.К. Объединения пастбищепользователей дехканских хозяйств /Монография/ Ташкент, ТИИМСХ. 2018. 106 стр.; Қосимов М.Ч. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш масалалари: авт. ... дис. и.ф.н. – Т.: 2000; Абсаматов А. Минтақада деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масалалари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., 2000, №4; Самиева Г.Т. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари: и.ф.д. (PhD)... дисс. авт., 2019.; Ш.Азизов. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (PhD)... дисс. авт., 2019.

истикболда деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари юзасидан прогноз кўрсаткичларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият юритувчи деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш жараёни танланган бўлиб, монографик тадқиқотлар Тошкент вилояти деҳқон хўжаликлари мисолида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предмети деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, иқтисодий ҳисоб-китоб, прогнозлаш ва монографик кузатиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини иқтисодий баҳосини аниқлашда рента омиллари таъсири микдорининг ер меъёрий қийматидаги салмоғини ҳисобга олган ҳолда тўғриловчи коэффицентлардан (**К₄**) фойдаланиш юзасидан услубий тавсиялар таклиф қилинган;

деҳқон хўжаликларига электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилган ерлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу тизим фаолиятини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида фаолият юритувчи “Деҳқон ва томорқа хўжаликларга кўмаклашувчи давлат унитар корхонаси”ни ташкил этиш орқали ердан самарали фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни (географик жойлашуви, тупроқнинг нам билан таъминланганлик даражаси, экологик тоза маҳсулот етиштиришни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари таклиф қилинган;

деҳқон хўжаликларига ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ўзида ифодаловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилавий асосдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларда ердан фойдаланиш ва маҳсулот етиштириш билан боғлиқ хорижий тажрибалар ўрганилган ҳамда уларнинг ижобий тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ фаолиятини мониторинг қилиш юзасидан ташкилий тузилма таклиф этилган ҳамда унинг фаолиятини рағбатлантириш асосланган;

деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган услубий ёндашувлар ҳамда усулларнинг асосланганлиги, расмий статистик маълумотлар ҳамда монографик кузатув натижаларидан фойдаланиб илмий хулосалар қилинганлиги, илмий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги илмий натижаларнинг ишончлилигини ўзида акс эттиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш, жумладан ернинг норматив баҳосини аниқлаш бўйича услубий асосларни такомиллаштириш, ушбу жараёнда бозор муносабатлари унсурларини жорий этиш, ажратилган ерлардан фойдаланиш ва мониторинг тизимини рақамлаштириш ҳамда деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари борасидаги назарий билимлар кўламини кенгайтириши билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган усулбуй-амалий йўналишлардаги хулоса, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва бошқа тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан истиқболда деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш бўйича Давлат дастурлари ва махсус чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Ер ресурсларини бошқариш”, “Ер мониторинги” каби фанлар дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

деҳқон хўжаликлари ерлари норматив баҳосини аниқлаш услубини такомиллаштириш бўйича тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги №05/01-05/02-05/04-03-429-сон маълумотномаси). Илмий натижаларга таяниб, қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматини аниқлашда қатор омилларни эътиборга олиш ер майдонларини объектив баҳолаш имкониятини яратади;

деҳқон хўжалиklarига электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилган ерлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу тизим мониторинги асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадларида фаолият юритувчи “Деҳқон ва томорқа хўжалиklarига кўмаклашувчи давлат унитар корхонаси”ни ташкил этиш юзасидан асосланган таклифлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги №05/01-05/02-05/04-03-429-сон маълумотномаси). Мазкур илмий тавсиялар

деҳқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштиришни соддалаштириб, пировардида уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошишига хизмат қилади;

деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги №05/01-05/02-05/04-03-429-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга қулай шароитлар яратиш бериш орқали соғлом агробизнес муҳитини яратишга хизмат қилган;

деҳқон хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг истиқболдаги ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, натижалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 21 декабрдаги №05/01-05/02-05/04-03-429-сон маълумотномаси). Илмий натижалар деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий натижалари асосида Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 16 та, шундан 14 та илмий мақола ва 2 та тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши, урта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми жами 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, илмий натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ҳамда нашр қилиниши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда деҳқон хўжаликларини ривожланиш босқичлари ва хўжалик фаолиятини юритиш самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари ёритилган, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив баҳосини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда хориж давлатларининг оилавий хўжалик юритиш йўналишидаги аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган.

Маълумки, деҳқон хўжаликлари фаолиятига баҳо беришда, энг аввало “уй хўжалиги”, “деҳқон хўжалиги”, “шахсий томорқа хўжалиги” атама-ларининг мазмуни ва аҳамиятини ёритиш муҳим ҳисобланади. Шу боис, диссертацияда ушбу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожланиш эволюция бўйича илмий ёндашувлар таҳлил қилинди.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида 2021 йил 4 апрелда “Деҳқон хўжалиги” ва “Томорқа хўжалиги” тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Хусусан, унга кўра, “Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдири-ладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалик”⁵ эканлиги белгилаб қўйилган (3-модда). Қонунда деҳқон хўжалиги фаолияти тадбир-корлик фаолияти жумласига кириши, деҳқон хўжалиги ўз аъзолари истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши қайд этилган.

Шунингдек, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунда (3-модда) – “Томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштирувчи хўжаликлар”⁶ эканлиги белгиланган. Демак, томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилмайди. Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ўз меҳнати билан иштирок этувчи фуқаролар аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини-ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таҳлиллари асосида диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги” ва “Томорқа хўжалиги” тўғрисидаги қонунларида белгиланган таърифларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди (1-расм).


Маълумки, республикада суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳудудлар кесимида тупроқ унумдорлигининг ҳолати турличалиги билан бирга, сув таъминоти даражаси бўйича ҳам сезиларли фарқларга эга. Натижада, қайсидир ҳудудларда насослар билан сув чиқариб тупроқ шўрини ювишга ёки экинларни суғоришга ортиқча меҳнат ва маблағ сарфлаш талаб этилади. Оқибатда, ушбу ҳудудларда деҳқон хўжаликлари ортиқча харажат ҳисобига фойдасини бой беришади. Шунингдек, деҳқоннинг меҳнатига боғлиқ бўлмаган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини паст бўлишига олиб келади.

Шунингдек, хўжаликларнинг хизмат кўрсатиш объектлари ва бозорга узоқ ёки яқинлиги ҳам рента омили ҳисобига ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларига таъсир кўрсатади. Аммо, амалиётда ернинг жойлашган ўрни билан боғлиқ рента механизmidан фойдаланиш анча мураккаб бўлиб, бугун-

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуни. 1.04.2021 й. <https://lex.uz/docs/5351631?ONDATE=05.11.2023%2000>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Томорқа хўжалиги тўғрисидаги қонуни. 1.04.2021 й. <https://lex.uz/docs/5351489?otherlang=1>

ги кунда ҳам бу борада амалиётчилар ва аграр иқтисодчи олимлар ўртасида мунозаралар давом этмоқда.



1-расм. Дехқон ва томорқа хўжалиқлари фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий мазмундаги таклифлар⁷.

Бугунги кунда юқорида қайд этилган масалани ягона ер солиғи орқали ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда. Зеро, ягона ер солиғи республикамизда қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг иқтисодий қиймати асосида ҳисобкитоб қилинади. Ер майдонлари иқтисодий қиймати эса мавжуд вазиятда ҳар бир аниқ дехқон хўжалиги доирасида жойлаштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари, ер участкалари тупроқ унумдорлиги даражаси билан бир қаторда тилга олинган рента омилини ҳам ҳисобга олади. Бу ерда рента омилидан фойдаланишни ҳаракатга келтирувчи иқтисодий асос сифатида – дехқон хўжалиқларининг жойлашган ўрни жиҳатидан нисбатан ёмон ерларда меҳнат қилишини моддий рағбатлантириш механизмини жорий этиш масаласини ҳал этишни талаб этади.

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18-августдаги 235-сон “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан ҳисобланмоқда. Бизнингча, юқорида қайд этилган масалаларни эътиборга олган ҳолда ушбу услубиётга ишлаб чиқарувчи субъектларни жойлашган ўрнига доир рента омилини ҳисобга олинган тўғриловчи коэффициентни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг жойлашган ўрни юзасидан тўғриловчи коэффициентлар⁸

Аҳоли пунктигача масофа (км)	Ишчиларнинг дала ишига қатнаши билан боғлиқ сарфлар, га/сўм*	Маҳсулот сотиш ва моддий-техник таъминот пунктигача масофа (км)	Деҳқон хўжалигининг зарурат билан туман марказига қатнашидаги харажатлари, га/сўм		Умумлашган рента омиллари таъсири микдорининг ер норматив қийматидаги салмоғи, (%)	Тўғриловчи коэффициент (К ₄) - (6 устун рақамлари асосида)
			Микдори	Умумлашган рента омиллари таъсири микдори		
1	2	3	4	5	6	7
				у.2+у.4	(у.5*100)/А	К₄
5 гача 5 дан ортиқ	1000000 1500000	5 гача	200000	1200000 1700000	3,30 4,67	0,968 0,953
5 гача 5 дан ортиқ	1000000 1500000	5-10	350000	1350000 1850000	3,71 5,08	0,963 0,949
5 гача 5 дан ортиқ	1000000 1500000	10-15	450000	1450000 1950000	3,98 5,36	0,959 0,947
5 гача 5 дан ортиқ	1000000 1500000	15-20	600000	1600000 2100000	4,39 5,77	0,955 0,943
5 гача 5 дан ортиқ	1000000 1500000	20 дан ортиқ	750000	1750000 2250000	4,81 6,18	0,953 0,938
<i>Сабзавот майдонлари 1 гектарининг (ўртача 60 балл) 2023 йил кўрсаткичлари асосидаги ўртача норматив қиймати = 36408,0 минг сўм (А)</i>					×	×

Юқоридаги услуб бўйича монографик тадқиқотлар олиб борилган Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Дўстлик массивидаги деҳқон хўжаликларининг меъёрий қиймат баҳоси ҳисобланганда, ушбу массивдаги сабзавотчиликка ихтисослашган “Дўстлик” деҳқон хўжалигида бир гектар ернинг норматив баҳоси 119 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Ушбу тўғриловчи коэффициентларни инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, аҳоли пунктигача бўлган масофа 5 км ёки ундан кам бўлса 115 998 907 сўм, агар масофа 5 км дан ортиқ бўлса 112 403 899 сўмни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич амалда қўлланилаётган ернинг норматив қийматини аниқлаш усули билан таққослаганда 3 844,7 минг сўмдан 7 429,7 минг сўмгача фарқ қилмоқда (2-жадвал).

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Дехқон хўжаликларида бир гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг
меъёрий баҳосини аниқлаш ҳисоб-китобидаги фарқлар⁹**

		Амалдаги ернинг норматив қийма- тини аниқлаш усули	Таклиф этилаётган ер норматив қийматини аниқлаш усули	Фарқи (+,-) минг сўм
		$C_n = \frac{P_{np} \times K_1 \times K_2 \times K_3}{\Pi} \times 100$	$C_n = \frac{P_{np} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4}{\Pi} \times 100$	
Дехқон хўжалиги		C _n – суғориладиган ҳайдов ерининг норматив қиймати, минг сўм/га; P _{np} – суғориладиган ҳайдов еридан олинadиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм/га; Π – ҳисоблаб чиқилadиган фойданинг капиталлашуви фоизи; K ₁ – хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлиги даражаси ҳисобига олинadиган минтақавий коэффициент; K ₂ – суғориш учун сув чиқариш усули ҳисобига олинadиган коэффициент; K ₃ – ҳосилнинг нобуд бўлиш фоизи ҳисобга олинadиган коэффициент; K ₄ – баҳолаш объектининг жойлашган ўрни юзасидан тўғриловчи коэффициент.		
Ер май- дони (га)	1	1 гектарнинг 2023 йилдаги кўрсаткичлари асосидаги ўртача норматив қиймати = 36408,0 минг сўм		
Бонитет балл	60			
Экин тури	сабзавот			
		119 833 582 сўм		-3844,7 -7429,7
Аҳоли пун- ктигача ма- софа (км)	5 гача		115 998 907 сўм	
	5 дан ортиқ		112 403 899 сўм	-3595,0

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, мазкур услуб қишлоқ хўжалиги ер майдонлари норматив қийматини аниқлашда рента омилидан фойдаланиш имконини бериши билан биргаликда, деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланишни моддий рағбатлантириш механизмининг ҳаракатга келтиради;

– иккинчидан, жойлашган ўрни жиҳатидан нисбатан ёмон ерларда меҳнат қилувчи хўжаликларни ягона ер солиғига тортишда адолатлилиқ тамойилидан фойдаланиш имконини яратади;

– учинчидан, ерни баҳолашда ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириб меҳнат сарфини камайтиради ҳамда аниқлик даражаси ортишини таъминлайди.

Шунингдек, диссертацияда ривожланган давлатларнинг оила асосидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хусусан етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тизими, яъни маҳаллий бозорлар ва савдо дўконларига етказиб беришни йўлга қўйиш ҳамда ерга бўлган ҳуқуқларни давлат томонидан қатъий ҳимоя қилиниши каби йўналишлардаги аҳамиятга молик тажрибаларини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Дехқон хўжаликларида ердан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати” деб номланган иккинчи бобида дехқон хўжаликлари сони, экин майдонлари, хусусан дехқон хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми, аҳоли жон бошига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши каби кўрсаткичлар ўзгариши динамикалари таҳлиллари асосида хулосалар ишлаб чиқилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон ва томорқа хўжаликларининг ўрни юқори бўлиб, яратилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 87,4 фоизи ушбу хўжалик юритувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2023 йил ҳолатида республика бўйича 4978,2 минг та дехқон ва томорқа хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, сон жиҳатидан 2019 йилга нисбатан 8 фоизга, яъни ушбу йилларга мос равишда 381749 тага кўпайган. Уларнинг 984,5 таси дехқон хўжаликларини ташкил қилади (3-жадвал).

3-жадвал.

Республика бўйича барча тоифадаги хўжаликлар сони ва ер майдонларининг таркибий ўзгариш динамикаси¹⁰

Кўрсаткичлар	й и л л а р					2023 йилда 2019 йилга нисбатан, (%)	
	2019	2020	2021	2022	2023		
Барча тоифадаги хўжаликлар сони (минг та)							
Фермер хўжалиги	154,3	84,2	90,7	91,8	93,6	61	
Жами дехқон ва томорқа хўжаликлари	4596,4	4771,2	4894,7	4969,2	4978,2	108	
шундан	деҳқон хўжалиги	456,9	501,7	845,7	976,4	984,5	215
	томорқа хўжалиги	4139,5	4269,5	4049,0	3992,8	3993,7	97
Бошқа тоифадаги хўжаликлар	27,6	21,4	28,3	28,8	35,1	127	
Барча тоифадаги хўжаликлар экин майдони (минг га)							
Фермер хўжалиги	6847,2	7331,0	5463,6	4791,1	4695,1	69	
Жами дехқон ва томорқа хўжаликлари	697,4	726,0	732,3	738,9	741,1	106	
шундан	деҳқон хўжалиги	472,8	471,9	457,8	465,3	470,3	99
	томорқа хўжалиги	224,6	254,1	274,5	273,6	270,8	121
Бошқа тоифадаги хўжаликлар	213,3	378,5	442,5	451,0	451,5	212	

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бундан кўриниб турибдики ўтган йиллар мобайнида деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантиришга доир чоратадбирлар самараси натижасида деҳқон хўжаликлари сони 2023 йилда 2019 йилга нисбатан қарийб икки баробарга ошган бўлса, экин майдони эса 1 фоизга, яъни 2,5 минг гектарга камайганини кўришимиз мумкин.

Деҳқон хўжаликларига ажратилган ерларнинг 53 фоизини суғориладиган ерлар, 27 фоизини лалми ерлар, 16 фоизини яйловлар, қолган 4 фоизини эса чўл ва ярим чўл ерлар ташкил қилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2023 йилда 741,1 минг га деҳқон ва томорқа хўжаликлари майдонининг қарийб 535,8 минг гектарида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Қарийб 205,3 минг гектар ер майдони эса чорвачиликни ташкил этишга мўлжалланган. 2019 йилга нисбатан деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ер майдонлари 2,6 фоизга ошган бўлса, чорвачиликни ташкил этишга мўлжалланган ерлар эса 2,6 фоизга камайганини кўришимиз мумкин.

Қайд этиш жоизки, деҳқон ва томорқа хўжаликлари мамлакат аҳолисини чарвачилик маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни ҳам юқори саналади. Зеро, хўжаликларда чорва моллари сони ва уларнинг маҳсулдорлиги ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, республика бўйича жами қорамоллар бош сонининг 93 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 78 фоизи ва паррандаларнинг 74,5 фоизи деҳқон хўжаликларига тўғри келади. Бу эса ҳар 10 та деҳқон хўжалигига ўртача 24 бош мол сони тўғри келишини англатади.

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларининг 93,2 фоизи, жумладан сутнинг 95,6 фоизи, тухумнинг 60,8 фоизи, қоракўл терининг 83 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг натижада аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли ўтган йилларга нисбатан 12,4 фоизга кўпайган. Деҳқон хўжаликларидаги чорва моллари сонининг ўсиши чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини миқдорий жиҳатдан ўсишини, шунингдек, аҳолининг мунтазам равишда сут, гўшт, тухум каби зарурий маҳсулотлар билан таъминланишига замин яратади.

Юқорида қайд этилган ижобий ҳолатлар билан бир қаторда, деҳқон хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этишда ҳал этилиши лозим бўлган баъзи жиҳатлар бўлиб, бизнингча, маҳсулотларга бозор талаби ва албатта, маҳсулотларни сотиш ҳудудларини (қишлоқ жойлари ёки шаҳарлар) ҳамда деҳқон хўжаликларининг ер турларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш талаб этилади.

Диссертацияда деҳқон хўжаликларининг географик жойлашувини маҳсулот етиштириш самарадорлигига таъсир даражаси таҳлил қилинди. Унга кўра, туман марказидан 20 км радиусда жойлашган деҳқон хўжаликлари маҳсулотларининг ўртача қиймати 54 млн. сўмдан ортиқни ташкил этган бўлиб, ўртача 20 млн. сўмлик фойда олинган бўлса, туман марказидан 40 км радиусда жойлашган деҳқон хўжаликлари томонидан сотилган маҳсулотлар 43 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда ўртача 21 млн. сўмдан фойда олинганлигини кўриш мумкин (4-жадвал).

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани деҳқон хўжалиklarининг географик жойлашувига нисбатан иқтисодий самарадорлиги (2023 й.)¹¹

Гуруҳлар	Деҳқон хўжалиklarининг туман марказига нисбатан жойлашуви	Гуруҳлардаги деҳқон хўжалиklarи сони	Бир деҳқон хўжалиги ҳисобига			
			Оила аъзолари ўртача сони	Ўртача сотилган маҳсулот (млн. сўм)	Ишлаб чиқариш харажатлари, (млн. сўм)	Ўртача фойда, (млн. сўм)
<i>Деҳқон хўжалиklarининг ер майдони 0,90 дан 1 гектаргача</i>						
I	20 км узоқликда	20 та	4	54,54	28,81	25,73
II	40 км узоқликда	20 та	6	43,13	21,87	21,26
III	60 км узоқликда	20 та	5	32,17	19,64	12,53
Жами:		60 та	7	129,84	70,32	59,52

Бундан кўришиб турибдики, туман марказига яқинроқ жойлашган деҳқон хўжалиklarида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш қулайлиги, йўлга камроқ харажатлар қилиниши, қулай вақтда маҳсулотларни қимматроқ нархларда сотиш имкониятининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда моддий-техник воситаларини харид қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва бозорга чиқариш имкониятлари чекка ҳудудларда жойлашган деҳқон хўжалиklarига нисбатан анча юқорилиги, уларга нисбатан қулайроқ иқтисодий шароитлар яратиб беради. Бу эса фойда олиш имкониятини ҳам сезиларли оширади.

Диссертациянинг “**Деҳқон хўжалиklarида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида деҳқон хўжалиklarини давлат томонидан рағбатлантириш, электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилаётган ерлардан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш, шаффоф статистикасини яратиш мақсадида деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи тузилмаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигининг истиқболда ўзгариш прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бориши мавжуд иқтисодий механизмлар, хусусан, ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтириб, жамиятдаги асосий ментал ва бошқа хусусиятларни эътиборга олган ҳолда шаффоф ер бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда рақамли технологияларни жорий этишни талаб этди. Бу эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ижара ҳуқуқининг баҳосини аукцион орқали белгилаш, ер муносабатларида шаффоф тизимни

¹¹ Муаллиф томонидан монографик тадқиқотлар асосида тайёрланган.

яратиш мақсадида деҳқон хўжаликлари томонидан ерларни аукцион савдоларда харид қилиш тизимини ишлаб чиқилишига замин яратиб беради.

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалиги ерларини ижара асосида ажратиб бериш электрон онлайн аукцион савдолари орқали амалга оширилмоқда. Аммо, тадқиқотлар кўрсатишича ушбу ер ажратиш тизими ҳам бугунга келиб қатор мунозарали жиҳатларни, айниқса деҳқон хўжаликларида ердан фойдаланиш ва ер ажратишда электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш билан боғлиқ қатор ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни юзага келтирмоқда.

Деҳқон хўжаликларини юритиш учун электрон онлайн аукцион савдолари (ЭОАС) орқали ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш масалалари ҳозирда эътибордан четда қолмоқда. Шу боис, тадқиқотлар давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида “Деҳқон ва томорқа хўжаликларига кўмаклашувчи давлат унитар корхонаси” фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий масалаларини ҳал этиш таклиф қилинмоқда. Ушбу давлат унитар корхонасини (ДУК) ташкил этишнинг объектив заруриятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, деҳқон хўжаликлари қандай шаклда ташкил этилганлигидан қатъи назар уларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади. Чунки, вазирлик деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолиятига оид қарорлар ижроси билан боғлиқ масалалар ва тегишли давлат сиёсатини олиб боровчи орган ҳисобланади.

Аммо, тадқиқотлар кўрсатишича Қишлоқ хўжалиги вазирлигида деҳқон хўжаликлари фаолияти, йўналишлари, етиштирилган маҳсулотлар таҳлили, ердан фойдаланиш мониторинги, кўрсатилаётган хизматлар ҳамда тегишли инфратузилмалар фаолияти юзасидан мониторинг олиб борилмайди. Бу ҳолат аксарият ҳолатларда Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан юритишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Лекин ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра Кенгаш нодавлат ташкилот бўлиб, у ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идора саналади ҳамда тегишли маълумотларни юритиш борасида ўзининг ички тартибларига бўйсунди. Бу эса ердан фойдаланиш ва агротехнологик йўналишларда деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган тузилма фаолиятига заруратни юзага келтиради.

Таклиф қилинаётган ДУК ташкилий шаклидан қатъий назар деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ердан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш масалаларини йўлга қўйиш вазифасини ҳал қилади.

Мазкур ДУК ўз фаолияти давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бевосита бўйсунувчи ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Сув хўжалиги вазирлиги

хамда “Ўздаверлойиха” ДИЛИ каби деҳқон хўжаликлари билан биргаликда ишлаётган давлат бошқарув органлари билан ҳамкорлик қилади (2-расм).



2-расм. Деҳқон ва томорқа хўжаликларига кўмаклашувчи давлат унитар корхонасининг ташкилий фаолият тизими¹².

